

**Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий**

Туркистонда бўлган дахшатли ходиса ва нохуш вокеалардан кейин жаноби сохибкирон (Султон Саидхон)нинг бехисоб лашкар ила килгон харакат ва жунбушлари хазрати Авлиёота фукаросининг шахидлиги, ўрус кофирларининг бедодлиги ва уларга (Алимкул) амирлашкарнинг хатму зафар билан берган танбехи хакида сўз.

Сичкон йили — тарих 1281 йил зу-л-хижжа иззуху ойи ўрус кофирлар беадаблик ила Олмаота мавзеидан хаёсизликнинг тошлок биёбонига бемуродлик кадамларини кўюб, Марка калъасига якинлашдилар. Бу калъа Тошканд вилояти тасарруфида эди. Калъа ахолиси бу холдан огох бўлиб, хаммалари бирлашиб, Садди Искандардек химояга турдилар. Улар ичлари кора кофирлар дафъига фурсат пойлаб мунтазир бўлдилар. Ахли куффор (кофирлар) мусулмонлар журъатини яхширок кўриб билдиларким: калъани забт этиш улар учун жуда хам мушкулдур, хатто калъага якинлашишнинг иложи йўкдир. Шунда ўруслар пасткаш ва дагал кишиларга хос бўлган макру хийладан фойдаландилар. Уларга ер тагини новлаш иши осонрок ва гўё дардларига малхамдек кўринди. Тез фурсатда улар калъа дарвозаси тагидан чукур казиб, ичини хар хил доривор ила тўлдириб, кечаси жахонсуз оташ билан ёкиб юбордилар. Хиёнаткор кишилар доимо шундай киладилар. Олов шуъласи тез фурсатда манзилига етиб, шундай портладики, калъа дарвозасини ўз жойидан девори ила кўтариб ташлади ва уни ер билан яксон этди.
Калъа ахолиси буни кўриб, баъзилари амонат жонини ганимат билиб, тун коронгисидан фойдаланиб кочиб кетдилар. Баъзилари эса жангга кириб золимлар кўлига тушдилар. (Ўруслар) шу дахшатли вокеадан сўнг калъа иморатларини ер билан яксон килиб, мазкур ойнинг ўн иккинчисида бу манзилдан кўчиб, хазрати Авлиёота калъасига келдилар. Ниёз Али бу вилоятнинг химоясида турган эди. У вазият танглигини бахона килиб, хамма одамларини олиб, Туркистон томонга Мирзо Давлат хизматига кетди. Шахар ўз хокимидан айрилди. Фаранги кофирлар (ўруслар) кўркмасдан калъа камалини бошладилар. Улар тўрт томондан шахар ичини тўпга тутдилар. Вилоят фукароси хар бир кўча ва бозорларда гайрат ва журъатни ўзларига калкон этиб, шахар дарвозасидан чикиб, ул лаин кофирлар ила каттик уруш килди. Бу хам натижа бермади ва улар чекиниб, калъа ичига яшириндилар.
Шаковат ахли фукарони ўзларига нолойик кўрди ва уларнинг журъати ошиб, калъа

деворларини тўпга тутган холда дарвозага якин келдилар. Алдаб, тутун босишидан фойдаланиб, тезда битта тўпни ичкарига олиб киришди. Фукаро ўз ахлу аёлини гайрат ила мудофаа килди, уч кеча-кундуз кўча ва бозорларда туруб, хотун ва болалари билан огир жанг олиб бордилар. Бундай уруш хали бирон бир подшох даврида бўлмаган эди. (Авлиёоталиклар) Чимкент йўлига интизорлик билан кўз тикиб, Тошкент хокими Нор Мухаммад кўшбегидан мадад ва ёрдам кутар эдилар.
Бу номард (Нор Мухаммад кўшбеги) икки ойдан бери Чимкентда макон тутган эди ва хамма вокеани билиб туриб, бечораларга бирон мадад бермади. Оллох таоло амири кабир умрини узун ва давлатини фузун айласинки, унга яхши танбих бериб оламга ибрат килиб кўрсатди.
Нихоят, фукаронинг ахволи танг бўлиб, омонлик беришни сўрадилар. Кофирлар бундан хабар топиб, катлни тўхтатдилар, ярашиш режасини тузиб, сулхга рози бўлдилар.
Икки томон хам ўз ўликларини жанг майдонидан чикариб, ўз ойин ва динларига кўра дафн килдилар. Мусулмон ахолисидан шул урушда бир мингу олти юз эркак ва аёл, каттаю-кичик шахидлик даражасига лойик бўлди. Кофир мактуллар курбонининг сони бу хисобга кирмайди.

Бу вокеалар юз бераётган вактда бир неча минг ўрус ва кўпгина казок (казак) сарбозлари Окмасжиддан (кейинги) Ясси, яъни Туркистон шахрини мухосара (камал) кила бошладилар. Бу ернинг хокими Мирзо Давлат шижоат ва мардлик намунасини кўрсатди, ўз лашкари билан кофирлар урдусига карши чикиб, огир жанг бошлади ва шахарга кайтмокчи бўлди. Аммо (Мирзо Давлат) келиб кўрса, вилоятнинг каллоб, касофат ва бузгунчи кишилари олдиндан ўрусларга сотилиб, уларнинг хизматларида юрган эканлар. Улар вилоятни кофирларга такдим килиб, шахар дарвозасини мусулмонларга очмадилар. Улар калъа деворларини тешиб, кофирларни шахарга кўйган эканлар. (Мирзо Давлат ўз сарбозлари билан) бу хиёнат хабарини эшитиб, афсусу надомат килиб ўз жойига кайтди. Улар кечани бир навъ ўтказиб, эрта билан Тошкент вилоятига йўл олдилар. Йўл-йўлакай Чимкентга кириб, мазкур Нор Мухаммадни кўрмасдан, Коракамиш мавзеига етиб келдилар ва хазрат Миён Халил Сохиб богига тушдилар. Бу хабарлар ва шу можаролар жаноби амир Султон Саидхонга тез-тез етказиб туриларди. Бундан сохибкирон рухида гайрат, шижоат ва мардлик кайнаб кетиб, сипохлик анжом ва асбобларини тайёрлаб, урушга отланди. (Хон) саъйи балиг (улуг харакатлар) кўрсатиб, вилоятнинг хар томонига, музофот саркардаларига, касаба сардорларига маргуб иноятномалар жўнатиб, кўшин жамлашга киришди.

## АМИР САИД ХОН СОХИБКИРОННИ ЎРУСЛЛРГА КАРШИ КИЛГОН ЮРИШИ ВА МАЛИКИ МУСТАЪОН ИНОЯТИ ИЛА ФАТХУ ЗАФАР ТОПГОНИ ХАКИДА

Жаноби сохибкирони (Султон Саид хон) субхон (оллох) инояти ва худо муруввати нурлари ила комронлик маснади ва шодмонлик давлатига суяниб, баркарор ва осойишта эди. Адолат нурлари ва иноят партави одамлар юзида ва раъият хаётида кўринарди. Жаноби хумоюн хотиралари мамлакат харобалиги ва унга етказаётган халалларни ислох килиш Йўлига тушди. Бу тинч вилоятнинг хосу омига давр ходисалари кўп жафолар етказарди. У киши зулм ва тааддини Йўкотиб, кейин осойишталик ила хукм сурмокни эди. Замона ходисаларининг казосидан ва ногахонлик аломатларидан шул тарих зафар ойининг ўртасида кетма-кет жаноби сохибкиронга дахшатли хабарлар кела эошладиким, ўруслар лашкари хар томондан келиб, бир кисм Марка, Авлиёота калъалари, яна бир фиркаси эса Туркистон фатхига азм килиб, фитна отига миниб, ахли давлат кўзларига душманлик ва харобачилик чангини сепибдурлар. Яна бул нобакор кишилар (ўруслар)нинг бошида Чимкент ва Тошкандни олиш фикри пайдо бўлаётган эмиш. Умидимиз шулким, аъло хазрат шижоат байроги ила бу диёрга келиб, ёнган бу эловни мардлик суви билан ўчирадилар, бўлмаса (токатимиз ток бўлиб) «пичок суякларимизга етади». Китъа (мазмуни):
Агар шох шамширининг кучи бўлмаса,
Шахарда хар хил шўру балолар бўлар.
Кимки яхшини ямондан ажрата олмаса,
Хар фитна кўлидан келса килар. Бизнинг илтижоимиз шулдурким, жаноби сохибкирон биз томонга тез харакат килиб, зафар байрогини кўтарсунлар. Байт:
Халкни куйдурадиган оловни
Ўчирмасдан бошка илож йўк.
Бу хабарни эшитиб хазрати сохибкирон харакат килишга азм этди ва хамма касаба, вилоятларга фармон ва иноятномалар жўнатиб, ислом дини оркали таъкид ва тахдид кўрсатиб, кўшин йигишга киришди. Хон фармонини эшитиб хар томондан жасур аскарлар ва ботир сарбозлар тўплашиб келдилар. Уларнинг саноги фалак юлдузларидан хам кўп эди. Хисобдон окилу олимлар сипох микдорининг кўплигидан хайратда эдилар. Хама хумоюн ўрдасига келиб, сохибкирон соясида осойиш топарди...
Неча-неча манзиллардан ўтиб жаноби хон (лашкари ила) Тошкандга келиб, истикомат режасини тузди. Бир неча муддатдан кейин колган кўшин хам етиб келди. Сафар анжомларининг камчилигини тўлдириб, аста-секин Рахшсифат саманд жиловини максад томон тортдилар...
...Манзиллар ва махаллаларни кезиб (хон) Шаробхона мавзеига етиб келди ва бахт хаймасини жоху жалол ва шавкат ила фалак авжига урди ва шу ерни манзил килди. Тун вакти истирохат чогида Тошканд вилояти уругларидан бўлмиш Ниёз Али чаккон келиб шундай хабар берди: «Ўрус кофирлар Чимкент вилоятига икки томондан якинлашиб, шахарга ярим фарсах колганда тўхтаганлар. Давлат арконлари ва маслахат сохиблари жанобнинг ижозатисиз жангга кирмасдан сизнинг ташрифингизни кутуб турубдилар. Омонсиз жангга (келиб) киришларини талаб киламиз». Бу хабарни эшитгач, (Султон Саид хон) Мулла Алимкулни сардор айлаб, уни куффор жангига жўнатди. Мулла Алимкул кеч тунда кўчиб, химмат рахшини максуд йўлига хайдади. Суръат билан йўлларни тай этиб, куёш чикаётган пайти Чимкентдан ўтиб, муддаосига етиб тўхтади. У бошараф кишилардан маслахат сўради. Улар, бор куч-кудратимиз билан динимиз душманларига карши урушайлик ва зарба берайлик, шоядки кофирларга кимлигимизни кўрсатайлик, деган карорга келишди.
Шу пайт Алимкул сардорни хужум килиш хабари душман кулогига етиб, ўзларини

Йўкотиб, вахимага тушиб, Окмасжид ва Туркистон кофирларининг олдинги манзилгохи бўлган жойида нусратасар лашкарнинг Йўлини Садди Искандардек тўсдилар. Улар атрофларида чукур бир хандак кавлаб, хамма галла рртилган арава, оту туялари, асбобу ашёлари билан махкам ўраб олиб, йўлда колиб кетган гарибларга ўхшаб турдилар.
Мулла Алимкул эшикогаси кўлига зафар жиловини олиб, икбол остонасига кадам кўйди, шарафи эса осмон авжига етиб, фатху зафар учун аскарларга ишорат килди...
Икки томондан хам харб ногораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс садо берарди. Довул садоси, ёшу кари фарёди аршдаги малак кулогини (хам) кар килди.
Газабнок суворийлар ва шиддаткор Йигитлар душман томон хамла килдилар. Омонлик товуси оромини Йўкотиб, зогга ўхшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз килиб, рух кушини сайд этарди. Катл олови шундай ёниб кетдики, осмон токига етарди, уруш шуъласини таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар ўз жонларидан кечиб, ширин хаётни унутиб, бахордаги чакмок камишзорга ургандек, курашга ташландилар. Хусусан, ахли ислом кофирларни каттик жазоладилар, уларни жило тиги билан уруб, шижоат ўкини отиб, бошларини таналаридан жудо килиб ташладилар...
Кўп кушойишлардан сўнг зафар насими оллох инояти ила мусулмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупрогини ховучлаб сепди ва уларни шарманда килди. Ўруслар тез орада омонлик сўраб, мусулмонлар олдида тиз чўкиб бош кўйдилар. Имонли ва фаросатли мусулмонлар уларга озодлик бериб, зафарпайкар отларини чодирлари томон сурдилар.
Шу куннинг эртасида фирўзлик хусрави бўлмиш куёш ўзининг жахонтоб ва зарнигор байрогини осмон калъасида кўтариб, зарфишон ўклари билан хабаш сипохи — кора тун кўшинини паришон килган пайт... кўп ўрус кофирлар бошяланг, кулохларини кўлга олиб, кўркиб, узр сўраш учун Алимкул сардор хузурига келдилар. Совга-саломларини тортик этиб, душманлик ва адоват рухидаги калималарни унутиб, улар ўз максадларини баён килишди. Икки томон хам сулхга рози бўлишди. Мусулмонлар сулх васикасига имзо кўюб, (ўруслардан) икки лак  микдорида Россия тиллосида пул талаб килишди, бу эса Хўканди латифнинг 225 минг бир мисколли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини хам кайтариб беришга рози бўлишди. (Ўруслар) рухсат олиб, ўз кўшларига кайтиб кетишди...
Мулла Алимкул сардор бу фарахбахш хабарларни хамма вилоят ва музофотларга таркатиб чикди. Сагиру кабир ва ганию шариф хамма жойда бир хафта хурсандчилик килиб, бир-бирларига суюнчи берардилар. Нусратшиор мусулмонлар ўз ишларида тогдек мустахкам бўлуб, Авлиёотадан келаётган кофирларни кутиб турардилар. Шу вактда кофирларнинг бир неча минг нафари бир-биридан бехабар Чимкент мавзеига якинлашиб, хавфсираб, кўрсичконлар каби бахиллар кабрига ўхшаган чукур ва коронгу жойларга (окопларга) кириб кетдилар.
Бу вокеалар тафсилоти жаноби сохибкирон (Султон Саид хон)га маълум бўлди ва у хузурига ўзининг ахли давлат ва ахли конунини йигиб, маслахат солди. Мартабали амирлар кайвон даргохида тилларидан пургавхар сўзлар сочиб айтдиларким: «Хозир душманга хужум килиб бўлмайди. Уларни тўрт томондан мухосара (камал) килиш керак. Мухосара канча чўзилса, шунча фойдалидир. Чунки кундан-кунга уларнинг озик-овкати тамом бўлади, ислом лашкарининг кучи бўлса кўпаяди». Бу фикрлар давлат умаросига маъкул бўлиб, хар бир саркарда ўз кўшини билан душман атрофини парголдек камаб,(улардан) бохабар бўлиб турдилар.

Сафар ойининг чоршанба йигирма иккинчиси кунида бир неча минг кофир ўз «гўрхона»ларидан тўсатдан чикиб, ислом лашкарини писанд килмасдан уларга тўпу тўфангдан ўк отиб, Чимкент калъаси томон йўлга тушдилар. Камози талигача етиб келиб, шу ердан шахар калъасини тўпга тутиб, шундай уруш бошладиларким (кўрган) одамнинг журъати вахимага тушиб, хайратдан гунг ва лол бўлди.
Мулла Алимкул сардор жаноблари хар бир пахлавон гурухини хар жойга тайинлаб, Мингбой кўшбегини ўзининг оркасига жойлаштирди. Мулла Алимкул эшикогасининг ўзи бир неча (душман) билан урушарди...
Куффор сипохи (умид ўки ўрнига) тўпу тўфангга зўр берарди, мусулмон лашкари эса гинаю адоватдан ўкларини захарлаб курашарди. Бу зарбалардан кўрккан кофирлар симобга ўхшаб хар томонга окиб кетардилар ва кабутарларга ўхшаб ўз жонларини асраш харакатига тушардилар...
Алкисса, икки томон хам шу хатарли хамда хавфли жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан каттик олишди. Фаргона кўшини эртадан кечгача мухораба килди. Шунинг учун фалак токидаги малак шаходат кўлини хайрат тиши билан тишлаб, шу урушни мактарди... Охирда зафар шамоли Фаргона томон эсди ва кофирлар тор-мор бўлиб, кочишга ихтиёр килдилар... (Улар) бевафолик тупрогини мурувват кўзига таш-лаб, (Россия) салтанати обрўйини фано боди (шамоли)га бердилар. Назм (мазмуни):
Бири кўлидан мурод жиловини берди,
Яна бири хавас оти теласидан тушиб кетди.
Бошкаси ўкдонини йўкотиб бехол бўлди,
Бири канотсиз кушдек учолмай колди.
Душман сипохи кочиб оркага кайтишни ихтиёр этди... Кўп киши ул оташафрўз тиг тобидан, пайкон шуъласидан ва жонсўз ўкдан жангда ўлиб, зогу итларга ем бўлди. Нусратшиор аскарлар кўлига уруш асбоблари ва уруш аслахаларидан кўп ганимат тушди. Ахли куффорнинг бир фиркаси Туркистон томонга, бошкаси Авлиёота тарафга кетдилар. Мусулмонларнинг бир гурухи кочоклар оркасидан кувиб, шеру йўлбарсдек хамла килиб, (ўрусларни) таъкиб этиб кетди ва бир манзил улар билан урушиб-урушиб чекиндилар.
Шу аснода бир ўк кофирлар томонидан отилди ва шижоат жангалининг шери, ягона ва фарзона, ул диловар ва рустамзода, мард, жасур лашкарбоши Мингбой кўшбеги баходир кипчок билагига тегди. Шу захмдан кейин бутун кўшин ўз манзилига кайтди. Кофирлар мусулмонлар кўлидан буткул озод бўлдилар.
Мингбой кўшбеги икки кун рохат тўшагида ётиб, учинчи куни шаходат даражасига етиб, жаннат томон йўл олди.
Шундан кейин жаноби сохибкирон фатху зафардан оллохга шукрлар килиб, нусратшиор лашкарни жой-жойларига кўйиб, Чимкент калъаси деворини янгитдан бино этди. Энди (бу калъа) Садди Искандари зул-карнайндан дарак берарди.
Вилоят калъаси курилишидан кейин Чимкент ва Тошкандни Мирзо Ахмад деган бир парвоначига такдим килиб, бир гурух илгор чегарачи мерганларни кўмак (хамда калъани мустахкамлаш) учун колдирди.
Сартия, киргизия ва бошкалар орасидан сохибкиронга хиёнат килганларни жазолаб, (Алимкул) занг босган хотирасига сайкал бериб, мусаффо килди ва кўнгли жойига тушди. Хамда Султон Махмуд хон тўра, Улугжон тўра, лашкар бошликларидан Нор Мухаммад кўшбеги Мухаммад Назарбек парвоначи, Ниёз Али додхох понсодбоши шаходат даражасига кўтарилди. (Катл килинди)

Шундан сўнг Алимкул сардор азамат жиловини Тошканд томон тортиб, йўл босиб Тошканд вилоятига кирди ва Султон Саид хон остонасини ўпишга муяссар бўлди. Ўн кун ичида бу ерни макон ва истирохат учун манзил килди. Бир неча вактдан сўнг Султон Саид хон азамат жиловини Хўканди латиф томонига маътуф килиб, Йўл олди. Дашту сахро ва манзилу марохилни ўтиб, 1 5-раби ул-аввал, жумъа куни (1281 йил)3 манзилгохи бўлган ўрдага кириб келиб, хусравона тахтга хурсандлик ва хушбахтлик ила чикди. Вилоят раъияси ва ахолиси хукмдорнинг адлу инсофи ила форигболликда яшарди-лар. Шу мукаддимадан кейин бу мусаввада мусаннифи (яъни муаллиф) сохибкирон фатху зафари хакида бир муносиб тарих айтди...

## ЎРУС КОФИРЛАРГА КАРШИ ИККИНЧИ ЮРИШГА ООХИБКИРОННИНГ ФАРМОН (БЕРИШИ) ВА ИКОН МАВЗЕИГА КЕЛИБ КУФФОР БИЛАН КИЛГОН УРУШИ ХАКИДА

Жаноб сохибкирон (Султон Саид хон) давлати азимга (Хўкандга) кайтдилар. Шум кофирлар махзул ва махрум бўлиб Авлиёотага келдилар. Бир неча кун осойишталик билан харб олот-асбобини янгитдан тахлаб, вактни ганимат билиб яна Чимкент иродасини килиб, Чимкент калъасига якинлашиб колдилар.
Кофирларнинг дабдабали тарзда келаётгани хакидаги хабар Мирзо Ахмад кушбегига маълум бўлди. Мирзо Ахмад — зог каклик рафторига таклид килиб, эртаси бехисоб лашкар ила кофирларнинг йўлини Садди Искандардек олиш учун Чимкент калъасидан хиромон чикди... (Улар) тез кофирларнинг маконига келиб, ракибга карши мукобил сафландилар. Кофирлар бундан хабар топди, аммо улар шуни билардиларки, нобакор Мирзо Ахмад кушбеги курашишга бел боглаган бўлса хам аслида у хўроз эмас, макиёндир. Кофирларнинг гайрати кайнаб, хавфли ва хатарли ахволда ўзларини Йўкотмасдан тўпу туфанглари ила урушга киришдилар.
Икки томон хам саъйи харакат ила камоли пахлавонлик кўрсатиб, сабту карор кадамини босиб, бир-бирлари билан жанг килдилар. Окибатда худо амри ила кофирларнинг кўли баланд келди ва мусулмонлар оркага чекинишга мажбур бўлиб, Чимкент сари йўл олдилар.
Мирзо Ахмад шу ернинг сипохсолари бўлатуриб, журъатсизлик ва кўркоклик килди. Чимкент калъасида панох топмай, Тошкандга кайтди.
Пиёда ислом аскарлари имкон кадар кофирларга карши курашиб, муродсизликдан тушкунликка тушган холда нобакорлар ўкидан халок бўлавердилар. Улар (ўруслар) 1281 йил жимод ул-аввал ойининг учинчисида, сешанба куни Чимкент калъасига кириб, бехисоб бедодлик ва ёвузликни мусулмон ахлига раво кўрдиларким, бу ишларга акл бовар килмайди.
Баъзи шохидларнинг гувохлигига караганда, ўруслар урушдан сўнг шахид бўлган мусулмонларнинг жасадларини санаб чиккан эканлар. Айтишларича, каттаю кичик, эркак ва аёллардан 1376 киши мактул бўлган. Сипохнинг хамма асбоб-аслахаси, бир канча

галла тўла омбор кофирлар кўлига ўтди. Яна улар вактни бой бермай, кочокларни таъкиб этиб, Тошканд вилоятига етиб келиб, Тошканд калъасини камал килишди. Бир неча кун дам олишгандан сўнг шахарга якинлашиб, шундай ёвуз боскинчилик килишдики, Одамзод акли кофирларнинг бундай журъатига хайрон колди.
Баъзи кўркоклар кочиб колдилар, шижоатли кишилар эса хозиру нозир бўлиб, кофирларнинг бошига тўпу туфанглардан жаладек ўк ёгдирдилар ва аксар кофирларни ер билан яксон килиб, минг азобу машаккат ила ўз кўшларига кайтдилар.
Шу вокеалар ичида жаноби сохибкироннинг келиш хабари маълум бўлди. Кофирлар (ўз жойларига) кайтиб кетишди. Тошкандликлар бу фатху зафарни эшитиб, жаноби сохибкиронга бехисоб лашкар билан бир неча кофирнинг бошини хадя ва совга сифатида жўнатдилар. 19-жумодул-аввал, чахоршанба кунида2 бу башоратли хабар ул хосиятсиз бошлар билан бирга Хўканди латифга келди.
Кабиру сагир, фукаролар бир неча кун хурсандчилик килдилар. Кетма-кет келаётган совук хабарларни эшитиб токати ток бўлган жаноби сохибкирон вилоятнинг хар томонига магруб номалар юбориб, ўзи бир неча киши билан ўн тўртинчи жумод-ул-аввал куни тезда Тошкандга етиб келди. Кофирларнинг кетганини билиб, Тошкандни ўзига маскан килди. Кўшин ахли хам бирма-бир сохибкирон хузурига келиб кўшилди-лар. Кофирлар сохибкирондан кўркиб, Чимкент калъасига кириб яшириндилар.
Шундай килиб, киш хам кирди. Кундан кунга хаво совиб, кору ёмгир ёгиб, ер яхлаб, корнинг баландлиги оту туя кўкрагига тегадиган бўлди. «Туф десангиз музлайдиган» хавода жаноб сохибкироннинг гайрати тушиб, лашкар сафидан 12 минг ёш йигитни танлаб, уларга Мулла Алимкулни сардор килди ва ражаб ойининг ўн тўртинчиси, душанба кунида Туркистонга кофирларга карши жангга боришларини буюрди.
Шу вакт хавонинг совуклигидан хис ва харакат рухи бадандан сокит бўлиб, нафас танадан худди пўст ташлайдиган илонга ўхшаб зўрга чикарди. Айникса, Тошканддан чикиб Кайрагоч мавзеига етиб келган кун тунда шундай шамол кўтарилдики, Од кавмини Йўк киладиган тўфонга ўхшарди... (Мусулмонлар)дан бир неча нафарининг оёк-кўлини совук урди, баъзиларни юзлари, кўзлари музлади, баъзи кишилар эса аклдан озиб сафдан чикдилар. Бир гаройиб ахвол юз берди. Лашкар тез суръатлар билан харакат килиб Чулек мавзеига келди. Одамлар манзил килган шу жойда кофирлар хам кичик кўргон бино этиб, бир даста сарбозларини химоя учун колдирган эканлар. Шу кавмдан карийб 50 кишини ўлдириб, хотирларни тоза ва мусаффо килиб, Икон калъаси олдида кўш урдилар. Чун зим-зиё тун коп-кора магрибга гарк бўлди ва зарнигор офтоб малики жаббор амри ила машрикдан чикди, калъада гафлат уйкусида колган одамлар деворлардан караб, истирохат килаётган бир олам нусратасар аскарларни кўрдилар. Улар вазият канчалик огирлигини билиб, душманни ушлашдан бошка чора Йўклигини фахмладилар. Калъадагилар бир неча хиёнаткорни боглаб, узр сўратиш учун жано-би султон Саид хон хизматига (хузурига) олиб келдилар. Уларнинг хар бири ўз килмишларига яраша хокон мархаматига сазовор бўлди. Жаноби олий фармойишлар ила бандиларнинг аксариятини асфоли жаханнамга жўнатиб, шу куни дам олмокка азм этди...
Намози аср ва шом вакти орасида кетма-кет шундай хабар келдиким, бир неча юз ўрус кофирлари дабдаба билан якинлашиб келмокдалар. Бу хабарни эшитиб, сохибкироннинг гафлат уйкуси бошидан учди. Мардлик гайрати унинг хамма паю суякларида харакатга келиб, ахли лашкарини куроллантириб, кофирлар йулини тўсиш учун жўнатди. Сарбозлар душман йўлини хамма томонлама босиб олдилар. Кору муз отларнинг

кўкрагига тегар, хаво совуклиги эса ифрот хаддига етарди. Шу кечани сарбозлар от устида ўтказдилар, уларнинг кўпчилигини совук урди. Кофирлар эса ўзлари ковлаган хандакларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз килдилар.
Куёш малики фарханг амри ила машрикдан бош чикариб, коронгу зулматни ёрутди. Ислом лашкарининг гозийлари тўрт томондан кофирларга карата ўк ёмгирини ёгдирдилар. Ёш пахлавон йигитлар отларга миниб, хар тарафга чопиб кетдилар, кофирлар эса вахимага тушиб, уларни ўзларига якин йўлатмасдилар. Шундай килиб, кечгача жанг килсалар-да, хеч бир натижага эришолмадилар. Кофирлар тогдек мустахкам эдилар. Аклли одамлар ўз расму ойинларига караб, маслахат килиб, хийла йўлини туттилар. Улар бир кеча-кундуздан кейин хар хил нарсалар — намат, дарахт шохлари, кору муздан корабуйра ясаб, уни олдиларига кўйиб, юмалатиб кофирлар мавзеига якинлашдилар. Уларнинг оркасидан паналаб келган навкарлар тўсатдан душманга хужум килиб, кофирларни паришон холида нобуд этдилар...
Баттоллардан ўттиз-кирк киши от ва туяларга миниб, Туркистон сари кочишга тушди. Мард сарбозлар бундан хабардор бўлиб, уларга етиб олиб, аклсиз кофирларни милтик билан отиб ўлдиришди. Минг хил хийла ва найранг билан шу кавмдан 3—4 нафари кутулиб, Туркистон каяъасига етиб бордилар. Сохибкирон (Султон Саид хон)нинг келиши ул разил кавмга маълум ва ошкор бўлди. Туркистон калъасининг дарвозасини уч кун очмасдан улар кечаю кундуз хозир ва нозир турдилар.
Жаноби сохибкирон фатху зафардан кейин Туркистон калъасига назар ташламас-дан, ўлжага тушган канча нарса, тўпу туфангни олиб, мол, оту туяларни хайдаб келиб, саодатмандлик билан подшохлик тахтига ўлтириб, карор ва осойиш топти. Агар у Тур-кистон калъасига (яна юриш килиб) борса эди, куффор ва ислом диёрининг ўртасида яна киргин ва вайронагарчилик юз берарди.
Карийб олти ой пойтахтда туриб, вилоятнинг хар чеккасидан нодир монийсират хунарманд усталарни чикариб, кечаю кундуз найзаю тиг ва бошка уруш аслахалари ясалди. Тез орада 70—80 тўпи жангий мухайё килинди, бир неча минг саккиз — ўн карич келадиган султоний милтик хам ясалди. Курол-ярогларнинг адади ахли хисобга хам маълум бўлмади. Шундай куч-кудрат билан душманга карши боришга карор ки-линди.
Нихоят, ўн иккинчи зу-л-хижжа ойида кофирларнинг Ниёзбек калъасини олганлиги тўгрисидаги хабари хамма жойга таркалди. Бу вокеанинг баёни шундай. Шанба 2 куни тунда (ўруслар) ўгридек калъа деворларидан чикиб, тўпу туфангларидан созу наво чикариб, гафлатда ётганларни уйготдилар. Тун зим-зиё бўлгани учун кулфатзада кишилар бу дахшатли вокеадан хабар топиб, баъзилари ўзларини дарёга, баъзилари калъа деворидан пастга ташладилар, кўплари кофирларга асир тушдилар.
Эртасига ранго-ранг куёш оллох амри ила бошини осмон даричасидан чикариб, атрофни соф ва нуроний килди. Хар тарафга паришон ахволда таркалган сарбозлар зу-л-хижжа, якшанба куни бу хабарни Хўкандга етказдилар.
Замона умаролари ва фукаронинг катта-кичиги бу дахшатли вокеадан хотирлари паришон бўлди. Мазкур ойнинг Йигирманчисида жаноби Султон Саид хон суръат ила Тошкандга Йўл олишга фармон берди. (Хўкандликлар) чахоршанба кунида Тўйтепага етиб келдилар ва бир кун шу ерда дам олиб, оркадан келаётган лашкарни кутдилар. Жума куни лашкар ила Фарак, хозир Чирчик номи билан машхур, дарёсидан ўтиб, ўйламасдан душман сари йўл олдилар...
Ахли куффор мусулмонларнинг химмат ва гайрат билан келаётганини эшитди, исломнинг шукухи кофирлар калбини босди. Улар ўз жойларидан кўчиб, бир манзил оркага

Шўртепа мавзеига келиб, ўзларига кароргох курдилар.
Жаноби хон амирлашкари билан бирга келиб, Мингўрик манзилида нузул килди.

Кечани истирохатда ўтказиб, эртаси шанба куни Ховари аъзам (куёш) малики фарханг амри ила машрикдан урушни ният килиб бош чикарганиданок жаноби шох нусратпанох лашкари билан дабдаба-ю шавкат ила Шўртепага якин келдилар. Улар узокка отадиган тўпу тўпхона, саккиз-ўн карич келадиган кора кўндокли милтикларни олиб, шархи йўк салтанат ила султоний кўсларни чалиб, кофирлар томон йўлга тушдилар...
Мулла Алимкул амир лашкар Султон Саид хон фотихасини олиб, душман ёкасини махкам тутиб жангга киришди. Филни йикитадиган шергир диловарлар душманга карши бахри Хазарга ўхшаб мавж уруб, фитна ва ошўбга азм килдилар. Эртадан кечгача ул номсизлар билан урушиб, дарё мавжидек галаён кўтардилар. Кеч кирди ва кофир-лар кайтиш учун ногора чалиб, бахиллар кабридан хам тор бўлган бир чукур жойга (окопларга ) кайтдилар. Ислом лашкари кечани ухламасдан ўтказиб, малъунлар манзилини халкадек босиб олиб, субхи содиккача баркарор турдилар.
Давлат арконлари беодоблик ила арз килдиларким, «аскарлар хаммаси ташна бўлиб оч колдилар, ўз кўшларига кайтиб дам олишлари зарур, эртаси яна бу жамоа-нинг бошига етиб кела оламиз». Мулла Алимкул амирлашкар бу насихатларга кулок солмади ва ўз сўзида тогдек махкам турди. Байт (мазмуни):
Насихатга кулок солгил, жоним, жондан хам яхши кўрар— Саодатманд ёшлар барно пирларнинг ўгитини.
Эртаси якшанба куни куёш машрикдан жанг толиби бўлиб, галаён килиб, бошини гардун чашмасоридан чикарганда ахли ислом кофир лашкарига химматини каратиб, тўпу тўфангни ишга солиб жанг бошладилар. Кофирлар бу хужумга токат килолмасдан саросимага тушиб, тор хандакларидан чикиб, минг хийлаю найранг билан ўзларини тепаликларга олдилар...
Шу пайт оллох амри ила 1281 йил, зу-л-хижжанинг 26-кунида кофирлар сафидан бир ўк отилди ва у Мулла Алимкул амир лашкарга тегиб, уни ярадор килди ва у отдан йикилиб тушди. Шул сабаб лашкари ислом парокандаликка тушиб, хамма ўз жонинин ўйлаб паришонликка берилди. Сарбозлар жаноби амрлашкарани отга миндириб, хамма асбобу ярог, тўпу тўфангларни олиб Тошканд калъасига етиб келдилар. Алимкул амирлашкар хушдан кетиб ётган эди. Хозик табиблар ва комил жаррохларни топиб келди-лар. Улар амирлашкарнинг жарохатини кўруб, муолажага ожиз эдилар. Унинг ахволи хар дам огирлашарди. Инсоннинг тадбиркорлиги такдир олдида заиф эди ва хар соатда ўлим аломати унинг юзида зохир бўларди. Буни хамма кўриб турарди. Назм (мазмуни):
Агарда бирон подшохнинг ажали келмаса,
Худо бўлишга хам даъво киларди.
Хеч ким абадий яшайолмайди,
Факат худодир оламда абадий,
Бу жахон хеч кимга вафо килган эмас,
Оламни яратган факат худо колар, бас.
Бу укубатсиз хол ахли давлатга ва каттаю кичикка маълум бўлди. Киргиз ва кипчоклар вактни ганимат билиб, жангални мардлик шеридан холи деб, бузмачиликни ўзларига пеша килиб, Курама томон йўл олдилар. Тилов манзилгохига етиб келиб отдан тушдилар. Аклу тамиз уларнинг мияларида йўклиги учун (кейинрок) кўз очиб, хушларини йигиб кўрсаларки, ажаб бир кабохатли ишни бошлаган эканлар. (Мисраъ) «Нечук окил килур

шундай ишким, яна пушаймонликка сабаб бўлса».
Шу жойда кўниб, кечаю кундуз ўзаро маслахат килдилар, аммо бир карорга келолмадилар. Охири оркага кайтиб Тўйтепага етиб келиб, Султон Саид Мухаммад хон номига бир узрнома ёзиб, Тошкандга юбордилар. Уларнинг косиди (элчиси) анча йўл босиб, Тошкандга келди, номани Султон Саид Мухаммад хонга топширди. Аркони давлат ва аъёни салтанат ул одамларнинг сўзларидан каноатланмадилар ва косидни муродсизлик ила кайтардилар. Байт (мазмуни):
Мазлумларнинг жазосини бериб, мархумлар максудин чикар, Дину доду хуш ила обод килгил дунёни.
Ул номурод косид (элчи) ўз лашкарига кайтиб, хамма кўрган-кечирганини шул тоифанинг сардори ва мингбошиси баходир кипчок Бек Мухаммад ибни Хол Мухаммад ибни Мухаммад Назар Кўрўгли ибни Санжарга айтиб берди. Кипчок ва киргиз улусининг хаммаси махзун ва хафа бўлиб, бошка чора топмасдан бу манзилдан кўчдилар. Хар бир янги жойдан кўчганларида ўзаро маслахатлашардилар, аммо хаммаси натижасиз эди. Улар бир-бирлари билан можаро килиб Сайхун дарёсининг бўйига етдилар. Ундан ўтиб, Турк ва Сарой кишлогида тўхтадилар.
Энди Султон Саид хон ибни Малла Баходурхон хакида озгина эшитинг.
Киргиз ва кипчоклар вафосизлик килиб, Хўканди латифга кетган кунларида сартия ахолиси замон хонига вафодорлик кўрсатиб, амирлашкар билан колдилар. (Кипчок ва киргизлар) хиёнати амирлашкарга хам маълум бўлди. Бундан дард чекиб (Алимкулнинг) касаллиги яна огирлашди ва пешиндан кейин унинг рух кушчаси тананинг тор кафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди, жонни жон ато килганга бериб, шаходат даражасига етди...
Амирлашкарнинг фарзандлари, хотунлари ва тобеълари бу ахволни мушохада килиб, мажрух калблари яна махзун бўлди. Сабру карор жиловини кўлидан бериб, гам ва кайгу тарикасига ўтдилар. Аркони давлат, аъёни шавкат сартия мамлакатининг акобиру ашрофлари, Тошканднинг каттаю кичиги, тожику турк хамма кайгуга тушуб йигладилар. Уларнинг кўзларидаги ёшлар дурга ўхшаб окарди...
Алкисса, ул жамоатнинг нолаю фарёди фойда килмади ва бу дарди бедавога илож хам топилмади. Нихоят, фохира дунёнинг орият либосини амирлашкар танидан ечиб охират либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аъёни мамлакат кайси маконга Мулла Алимкулхон жасадини кўяйлик деб машварат килиб, бир карорга келолмадилар. Шу махал амирлашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслахат килиб, иттифокликда жасадни фозиллар куёши хазрати Шайх Хованд Тахур мозорида дафн килдилар...
Шундан кейин Мулла Алимкул арвохига фотиха ўкидилар. Мулла Алимкул амир-лашкарнинг таржимаи холи. У Хусайнбой отарчи, яъни байторнинг ўглидир. Андижон тобеларидан бўлган киргиз кипчок кабиласиндандур. Ёшлигида отаси уни илм тахсили учун Андижонга мухтасибга шогирдликка берди. 3—4 йилдан кейин шу шахарнинг мухтасиби Мулла Алимкулни «гиранда» (олувчи) лавозимига кўйди. Худоёрхон ўзининг акаси Маллахонни авф этиб, Бухородан Хўкандга олиб келтириб, умаролар каторида унга вазифа ва маош тайинлагандан сўнг Мулла Алимкул Маллахонга мулозим бўлуб хизматга кирди. Маллахон иккинчи марта ўз укаси Худоёрхонга мухолифат килиб, Андижонга кочиб кетганда Мулла Алимкул Маллахонни Пўлодбий киргиз олдига олиб борди. Пўлодбий киргиз савсамир кабиласининг мўътабар раиси эди. Фитна ва фасод раъиясига эга бўлган Пўлодбий Маллахон кадамини муборак деб, ўз кабиласи ила унинг хизматига бел боглади-да, Корасувга борди. Бу ер Мулла

Алимкул ва унинг кавми учун ватан эди. Шу атрофдаги Алимкулнинг кавми-уруглари хам Маллахон хизматига ўтди. Маллахон Алимкулни элчилик учун кўп жойларга юбориб, одамларни ўзига тобе бўлишга ундади. Алимкул бу ишда кўп саъй ва харакат килиб, Корасув ва унинг атрофидаги кабилаларни Маллахонга ёрдам беришга чорлади ва унинг олдига олиб келди. Маллахон Фаргонанинг хукмронлик тахти ва фармондорлик аврангига ўтурганидан сўнг Алимкул хизматларини эътиборга олиб, унга эшикогаси хамда мири понсод унвонини берди. Шундан кейин у Чимён навохисининг хокими бўлди. Ўратепани фатх килган пайтда хам Алимкул жасорат кўрсатган эди. Маллахон хукмдорлигининг охирларида Маргилонда вали (хоким) бўлди. Султон Сайид хон ўз хукмронлиги даврида унга Фаргона сипохсолори ва лашкарбошилик мансабини берди. Алкисса, сўзнинг кискаси шуки, жаноби Султон Саид хон салтанат шавкатига яраша зеб-зийнат бериб, сартия умароси ёрдамида мамлакатни химоя килиб яшар эди. Кундан-кунга кофирларнинг кўли баланд келиб, хеч каердан умид (ва ёрдам) дараги бўлмади. Киргиз ва кипчоклар эса мурувватсизлик ва ёвлик тупрогини ўз бош-ларига сепиб, кочиб кетдилар.
...Элчилар унинг (амир Музаффарнинг) олдига тез-тез бориб турардилар. Хар дафъа, Тошканд вилоятининг уламо ва оксоколлари Бухорога келиб бизни дуо килсун, деган сўзни айтарди. Унинг сўзини кабул килиб, вилоят улугларини ул маломатзадайи фалокат олдига жўнатган эдилар.
Улар етиб боргандан кейин изма-из бошка рукъалар етиб келди. Унда «Султон Саид Мухаммад хон хам келсун» деб ёзилган эди. Бу амрни ижро этиш Султон Саид хон одамлари учун жуда огир эди. Умаро ва фукаро ўзаро маслахат ва машварат килди, аммо хеч наф бўлмади. Боришдан ўзга чора колмаган эди. Нихоят, (Султон Саид хон) сафар асбобларини йигиб хозирлашга буюрди, мулкни худога топшуруб, Бухоро сари Йўл олди. Канча юриб ул икки аёлманд хезпешаларнинг олдига етиб боришди. Уни (Султон Саид хонни) хам ушлаб, кайтишга ижозат бермадилар. Тошканд мамлакати бехоким ва эгасиз колди...
Алкисса, мусулмонлар бесаранжом бўлуб, бошсиз колдилар. Хар бир фирка ўз холича эди. Бунга кўшимча яна Тошканд фукароси навбат билан илгор учун колдиришган бир неча минг хўкандлик сарбозларни бокардилар. Сафар ойининг 4—сешанба куни 2 ўрус кофирларнинг лашкари субхи содикда Камолон дарвозасини босиб олиб, шахарга кирдилар. Хўканд сартияларининг 6—7 илгор дасталари калъа ёрикларидан чикиб, хар хил йўллар билан кочиб кетди. Баъзилар Чирчик дарёсига чўкиб ўлдилар. Тошканд фукароси  икки кечаю икки кундуз кофирлар билан урушиб, уларни Масжиди баланд хонакохига камадилар, Бир кеча кундуз ахли ислом уларни мухосара килиб, хонакох атрофини ёкмокчи бўлдилар. Кофирлар бундан хабар топиб, эски ўрдага ўтдилар ва йўлда бир неча махаллани ёндириб юбордилар. Шахарга шўру гавго тушди, унинг хар томонидан одамлар Бухоро подшосининг олдига, бепарво кипчоклар хузурига жўнашиб, улардан ёрдам сўрардилар, аммо барчаси фойдасиз эди. Охири куффор билан сулх тузуб, уларнинг хамма шарт-шароитларига риоя килишига мажбур бўлдилар.

**давоми бор...**